

УЛКАН ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАРИМИЗ – КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ, ОДАМЛАРИМИЗНИНГ ТАФАККУРИ, ДУНЁҚАРАШИ ЎЗГАРГАНИ САМАРАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан турли соҳалар вакиллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди.



Тошкент шаҳрида 27 август куни ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари барчани, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклади. Мамлакатимизда эришилаётган натижаларнинг асоси, сазй-ҳаракатларнинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталди.

— Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас тус олган ислохотларимиз қандай улкан натижалар бераётганини барчамиз кўриб турибмиз. Ўтган саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз шиддат билан ўсиб, 115 миллиард долларга етди. Бугун битта рақамини биринчи марта айтмоқчиман: Халқаро валюта жамғармиси прогнозига кўра, бу йил иқтисодийтимиз ҳажми 130 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Яъни илгари бундай ўсиш, бундай юксак эътироф ҳеч қачон бўлмаган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай натижаларга тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, замонавий sanoat мажмуалари барпо этилаётгани, “яшил” ва инновацион иқтисоди-

ётга ўтилиб, муқобил энергия манбалари яратилаётгани, ахборот технологиялари, туризм ва молиявий технологиялар каби хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожлантирилаётгани замин бўлмоқда.

Юртимизда замонавий шаҳарлар қад кўтармоқда, қишлоқ ва маҳаллалар обод бўлмоқда. Ўтган саккиз йилда аҳоли учун 500 мингта яқин квартиралар кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу мустақилликнинг дастлабки 25 йилига нисбатан тўрт карра кўп. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқларни, йўللари обод қилиш учун 60 триллион сўм маблағ сарфланди. Ёки 130 миллиард доллар хорижий сармоя кириб келди, 100 мингдан ортиқ инвестиция лойиҳалари ишга туширилди, 7 миллиондан зиёд аҳоли даромади бўлди.

— Бундай улкан тарихий ютуқларимиз — ўз вақтида чуқур ўйлаб олиб борган кенг кўламли ислохотларимиз, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгаргани самараси, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз. Қураётган биноларимиз, замонавий мажмуалар,

қулай уй-жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари мисолида Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва улкан бунёдкорлик салоҳияти яққол намоён бўлмоқда. Асосийси, қайси соҳада бўлмасин, ҳар бир ютуқ ва натижа, аввало, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги саккиз йилда ижтимоий инфратузилмага олдинги йилларга нисбатан олти карра кўп маблағ йўналтирилди. Натижада боғча ўринлари 720 мингдан 2,5 миллионга етказилди. 466 та янги мактаб қурилиб, 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Талабалар сони 279 мингдан 1,5 миллион нафарга оширилиб, олий таълимда қамров 42 фоизга олиб чиқилди.

Ўтган ҳафтада Тадбиркорлар куни муносабати билан 168 нафар энг илғор бизнес вакиллари, миришкор деҳқон ва фермерлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани қайд этилди.

— Бундай фидойи юртдошларимиз, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан чарчамайман. Албатта, бу бежиз эмас. Яхши биласиз, олдинлари асосан хомашё экспорт қилар эдик. Барча тармоқларни трансформация қилганимиз ҳисобига sanoat ҳажмини 2017 йилги 29 миллиарддан 70 миллиард долларга етказдик. Агар вақтида тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиб бермасак, бундай ютуқларга эриша олармидик? Йўқ албатта, — деди давлатимиз раҳбари.

Таъкидланганидек, бугун бизнес вакиллари иқтисодийтимизнинг чинакам таянчига айланди. Биргина қурилиш соҳасини оладиган бўлсак, бу йўналиш олдин ҳеч қачон ҳозиргидек жадал ривожланмаган. Илгари қурилишлар фақат давлат буюртмаси асосида бўлар эди. Бугун хусусий қурилиш компаниялари сони 30 мингдан ошди, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 6 миллиард долларга яқинлашди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон том маънода улкан қурилишлар майдонига айланди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 21 миллиард долларлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу 2017 йилга нисбатан уч карра кўп.

Бундай улкан ўзгаришларни қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника, машинасозлик, фармацевтика каби йўналишларда ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда фақат sanoat билан чекланиб қолмасдан, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилаётгани таъкидланди.

— Авваллари 500 миллион долларга етмаган туризм экспорти ҳозир 3 миллиард долларлик маррадан ошди. Етти-саккиз йил олдин АТ экспорти 1 миллиард долларга етди, деса, бунга ким ишонарди? Энг муҳими, барча тармоқларга янги илм, замонавий технологиялар кириб келди. Уларда юз минглаб иш ўринлари ва юқори малакали кадрлар армияси пайдо бўлди. Ҳар бир соҳада Янги Ўзбекистоннинг ўз стратегияси, тажриба мактаби шаклланди. Мамлакатимизнинг ана шундай янги

тарихи, янги қиёфасини яратишда бутун халқимиз қатори сиз, азизларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор ва бунинг учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган ватандошларимизни ҳам табриклади.

Шундан сўнг мукофотланганларга фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

— Миллий истиқлолимизнинг энг буюк мақсади инсонга эътибор, унинг қадрини, меҳнатини улуғлаш, олижаноб халқимизнинг иззат-хурматини жойига қўйишдан иборат. Бунни ушбу дақиқаларда барчамиз янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Ўз меҳнати билан маъна шундай қадр топиш, эл-юрт назарида бўлишдек буюк бахт сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, — деди Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилаklarини баён этди.

ЎЗА

МИЛЛИЙ МУЗЕЙГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ, ЯНГИ АЭРОПОРТ ЭСА МУҲИМ ТРАНСПОРТ ХАБИГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий музейининг қурилишига старт берди ҳамда “Тошкент — Шарқий” аэродроми негизида барпо этилган янги аэропортда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Дастлаб Ўзбекистон Миллий музейи қурилишига тамал тоши қўйилди.

Давлатимиз мустақиллиги миллий ўзлигимизни юзага чиқариб, эзгу сазй-ҳаракатларга асос бўлиб келмоқда. Ҳар йилгидек, бу гагли истиқлол байрами ҳам яхши янгиликларга васила бўлмоқда. Шундай тарихий воқеалардан бири янги Миллий музейга асос солинишидир.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига ушбу иншоот лойиҳаси ва хусусиятлари, қурилиш босқичлари ҳақида ахборот берилди.

Музей Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармиси шафелигиде Япониянинг “Tadao Ando Architect & Associates” архитектура бюроси ҳамда Германиянинг “Atelier Brückner” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Унинг ташқи қиёфаси айлана, тўртбурчак ва учбурчак шаклида бўлиб, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида уйғунлаштиради. Мажмуа уч қаватли музей, икки қаватли ертўла ҳамда ёрдамчи бинолардан иборат бўлади. Хитойнинг “CSCEC International Construction” компанияси томонидан қурилади.

Пойтахтимизда ушбу музей қурилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан

Ўзбекистон Миллий боғи яқинидаги майдонга маданият ва санъат намояндалари, олимлар ва адиблар, нурунийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

— Ҳамма соҳада ривожланиш билан бирга қадриятларимизни тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорийи мажмуаси, Олимпия шаҳарчаси каби улкан иншоотлар қурыпмиз. Бунинг замиридаги асосий мақсад шуки, бу бинолар халқимизга мулк бўлиб қолиши керак. Мана энди яна бир тарихий мажмуа — Ўзбекистон Миллий музейи қурилишини бошлаяпмиз. Бу музей уч минг йиллик бой тарихимизни одамларга, дунё ҳам-жамиятига ва келажак авлодга етказадиган илм-маърифат ва маданият маскани бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, ҳозир биргина Тошкентдаги 30 та музейда 1 миллиондан зиёд экспонат бор. Уларнинг 100 мингта Давлат санъат музейида бўлиб, шундан бор-йўғи 2 минг 400 таси намоишга қўйилган. Қўрғазма заллари етарли бўлмагани сабабли 97 мингдан зиёди омборда сақланмоқда.

➤ Давоми 2-бетда

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазири Такэси Ивая бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Япония Бош вазири Сигэру Исибанинг самимий саломи ва Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан табрикларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Фоол мулоқотлар давом этаётгани ва амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Бугун ўтказилган

икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг Стратегик мулоқоти биринчи йиғилишининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлаш ҳажми ортимоқда, Япониянинг етакчи компаниялари ширкетлари Япония инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. 17 август куни Осака шаҳрида Бутунжаҳон “EXPO-2025” кўргазмаси доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Миллий куни муваффақиятли ўтказилди.

Сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва

маданий-гуманитар ҳамкорликнинг аниқ лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон — Япония маркази фаолиятини кенгайтириш ва келгусида унинг негизда Япониянинг етакчи университетлари иштиракида қўшма университет ташкил этиш режалари қўллаб-қувватланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, “Марказий Осиё + Япония” форматидеги бўлажак саммитни ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганнинг ўттиз тўрт йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “**Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида**”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан

жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **523** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **195** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **147** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **87** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **94** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг **8** нафарини чет эл фуқаролари, **45** нафарини аёл, **31** нафарини 60 ёшдан

ошган эркак, **220** нафарини ёшлар (шулардан **1** нафари вояга етмаган) ҳамда **15** нафарини таъқиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтартириш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА



2025 йил 28 август, 177-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

МИЛЛИЙ МУЗЕЙГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ, ЯНГИ АЭРОПОРТ ЭСА МУҲИМ ТРАНСПОРТ ХАБИГА АЙЛНАДИ

Бошланиш 1-бетда

— Марказий Осиё, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Европа давлатлари маданиятини ўзида акс эттирган бу ноёб санъат асарлари нафақат бизнинг, балки бутун инсониятнинг бекиёс бойлиги. Уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодлар учун бешикка етказиш, дунё оммасига намойиш қилиш орқали мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданиятини тараннум этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз, — дея таъкидлади Президент.

Бундай маҳабатли музей юртимиз тарихида илк бор барпо этилмоқда. Унинг умумий майдони 40 минг квадрат метр бўлади. Кўргазма заллари, кутубхона, реставрация лабораториялари ва экспонатлари сақлаш хоналарида энг замонавий қулайликлар ташкил этилади.

Бу орқали ҳозирда пойтахтимизнинг турли музейларида тарқоқ жойлашган тарихий ашёлар, қўҳна ва замонавий санъат асарларини яхлит кўриш мумкин бўлади. Умуман, музейда бир вақтнинг ўзида 10 мингта яқин экспонатни намойиш қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, 4 минг квадрат метр майдонда конференция заллари, аудитория ва ресторанлар, болалар майдончалари жойлашади.

Музей ишга тушгач, атрофидаги Абулқосим мадрасаси, Халқлар дўстлиги саройи ва Ўзбекистон Миллий боғи билан бир жойда яхлит меъморий композицияга айланади. Юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрадиган тематик туризм маскани бўлади.

Келажақда ушбу музей дунёга машҳур Лувр, Метрополитен ва Британия музейлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатади, ноёб экспонатлар олиб келинади ва кўргазмалар ташкил қилинади.

— Ишончим комил, янги барпо этиладиган мажмуа мамлакатимизнинг жаҳон тарихи ва Ўзбекистон Миллий боғи билан бир жойда яхлит меъморий композицияга айланади. Юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрадиган тематик туризм маскани бўлади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари мажмуа пойдеворига капсула қўйиб, қурилишни бошлаб берди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Шавкат Мирзиёев “Тошкент — Шарқий” аэродроми негизига барпо этилган янги аэропортни бориб кўрди.

Мамлакатимиз тараққий этиб, халқаро нуфузи ошгани сари дунё билан алоқалар фаоллашиб бормоқда. Шу боис, транспорт инфратузилмасининг барча йўналишларини мутаносиб ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Ана шундай стратегик лойиҳалардан бири — “Тошкент — Шарқий” аэродроми негизига бизнес авиацияси мажмуасидир. Унинг қурилиши 2017 йилда бошланган эди. Пандемия ва ундан кейинги қийинчиликлардан ўтиб, нияят улкан иншоот қуриб битказилди.

Аэропортнинг умумий майдони 561 гектардан иборат. 4 километр узунликдаги учинш-қўниш йўлагига 3 та ҳаракатланиш йўли янгиланиб, энг огир самолётларни ҳам қабул қилиш қувватига эга бўлди. 20 та “ҳаво кемаси”га мўлжалланган перрон барпо этилди. “Boeing 787”, “A 320” каби самолётлар, бизнес-жетлар ҳамда вертолётлар учун ангарлар қурилди. Бу уларнинг қишда илиқ, ёзда салқин сақланиши ва хавфсизлигини таъминлайди.

Аэропортда VIP ва CIP терминаллар бунёд этилган. Олий мартабали меҳмонлар залида расмий кутиб олиш, музокаралар ва брифинг ўтказиш учун барча шароит яратилган. Соатига 100 нафар йўловчини қабул қилиш қувватига эга CIP терминалида дўкон ва овқатланиш жойлари бўлади.

Муҳими, аэропорт ICAO III-A тоифасидаги илгор радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади. Бу нуқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиб ва қўниш имконини беради.

Янги аэропорт қулай жойлашуви тўғрйили пойтахт ва Янги Тошкент шаҳри учун муҳим транспорт хабига айланади. Халқаро ташрифлар ва ишбилармонлик сафариини амалга ошириш имкониятлари кенгайди, хорижий инвесторлар учун шароитлар яхшиланади. Натижада иқтисодий алоқалар ва хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланиб, янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда жамоат фаоллари, нурунлилар билан суҳбатлашди.

— Қўп йил тайёргарлик қилиб, мана шундай янги аэропорт қурдик. Бу ҳам давлатчиликнинг ана бир замини. Бу ерда юртимизга келадиган меҳмонлар ва самолётларга юқори даражада хизмат кўрсатилади. Натижада Тошкент халқаро аэропортига юклама енгиллашади. Худо хоҳласа, у аэропорт учун ҳам бошқа жойда улкан мажмуа қуришни режалаштирганимиз. Умуман, ҳамма ҳудудларимизда катта-катта лойиҳаларни бошлаганимиз. Илоҳим, тинчлигимизга кўз тегмасан, янги ишшоотлар, фаровонлик халқимизга буюрсин, — деди Президент.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎЗА мухбирлари

СИЁСАТ



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига

ОЛИЙ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ТАМОЙИЛ

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили шунчаки шиор эмас, халқ ҳаётига айланган ҳақиқатдир. Чунки инсон умрининг ҳар бир ёрқичида давлат унинг ёнида бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда инсонни қадрлаш, ҳуқуқ ва эркинлиklarини таъминлаш давлат сиёсати даражасига чиқди. Айниқса, 2017 йилдан бошлаб бу жараён янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия, Тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси каби ҳужжатларда инсонни қадрлашга қаратилган мақсад ва режалар белгиланди. Шунингдек, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, оилани мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар кучга кирди. Ушбу дастурий ҳужжатларда халқ учун жуда кўплаб ҳуқуқий асослар, имкониятлар белгиланди. Бугун уларнинг ижроси амалда таъминланмоқда.

Қолаверса, умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция билан Ўзбекистон ўзини иқтимоий давлат деб эълон қилди. Бу эса ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечириши учун давлатнинг қафоллатли масъулиятини белгилаб берди.

Иқтимоий давлат — инсон манфаати устувор қўйилдиган, аҳолига таълим ва тиббиётда тенг имкониятлар яратилдиган, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож қатлам доимий қўллаб-қувватланадиган жамият демек. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлиklarининг ҳимоясига оид қатор қўшимча қафоллатлар киритилди, давлат органларининг фуқаролар олдидagi жавобгарлиги янада кучайтирилди.

Иқтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузурида фаолият юритаётган “Инсон” иқтимоий хизматлар марказлари аҳолининг энг ҳимояга муҳтож қатламларини аниқлаш ва уларга манзилли кўмак бериш бўйича изчил ишламоқда. Бу марказлар орқали эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари жойида ўрганилиб, уларга моддий, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилляпти. Энг муҳими, бу тизим орқали ҳеч бир фуқаро ўз муаммоси билан ёлғиз қолмайди.

Жамиятимизда хали ҳам зўравонликка учраётган болалар ва хотин-қизлар бор. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун ҳимоя механизлари изчил кучайтирилмоқда. Чунки инсон ҳуқуқларини таъминлаш — бир марталик эмас, балки давомли жараён. Замон ўзгариши билан турли таҳдид ва хавфлар юзага келиши мумкин, лекин давлат ҳар доим ўз фуқароларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш позициясида туради. Шу мақсадда болалар ва хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Зўравонликка учраган аёллар энди қийналиш ва топталишни эмас, балки хавфсиз ва эркин ҳаётни тнламоқда.

Аёлга давлат томонидан маънавий, руҳий ва моддий ёрдам кўрсатилади, касбга ўқитилади, ишга жойлашувига кўмаклашилади. Агар уй-жой олиш истаги бўлса, субсидия ажратилиши ҳам мумкин. Бу — аёлни қурбон сифатида эмас, эркин ва мустақил шахс сифатида қўллаб-қувватлашнинг амалий кўринишидир.

“Инсонни қадрлаш фақат зўравонликдан ҳимоя қилиш ёки иқтимоий қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмайди. Бу қадриятнинг яна бир муҳим устуни — таълим. Чунки инсон учун ҳақиқий имконият унинг билими ва саводидадир. Шу мақсадда олий таълимга қирш тизими тубдан янгиланди.

Аввал абитуриент фақат битта олий таълим муассасасига ҳужжат топшириши мумкин эди. Энди эса бир вақтнинг ўзида бешта университетни танлаш имконияти мавжуд. Яқиндаги ўзгаришларга кўра, бешта имкониятдан ҳам фойдалана олмаган абитуриентларга яна имконият берилмоқда. Қабул жараёни тубдан шаффофланди, ўқитиш тизими коррупциядан холи бўлди. Бугун фақат ўқувчи ва талабалардан эмас, балки ўқитувчилардан ҳам юксак савия талаб этилмоқда. Улар учун малака оширишининг тизимли дастурлари яратилляпти.

Қисқаси, бугун ёшлар қобилияти ва билими билан ўз келажагини қуриш имкониятига эга. Ушбу шароитдан фойдаланаётганлар қаторида 2025 йил августига ўзбекистонлик 2000 га яқин ёш бир вақтда шуңча робот ясаб, Гиннес рекордини янгиллади. Бу ёрқин натижа таълим тизимидagi тўғри танланган ислохотлар мевасидир.

Экология масаласи бугун дунёдаги энг катта хавотирли муаммолардан бири. Атмосфера ифлосланиши, иқлим ўзгариши, сув ва ер ресурсларининг камайиши инсоният олдига турган глобал таҳдидлардир. Шу боис, БМТ Бош Ассамблеяси доимий равишда барқарор ривожланиш мақсадлари орқали табиатни муҳофаза қилишга қарамоқда. Қўллаб ривожланган давлатлар қайта тикланувчи

энергия манбаларига ўтиш, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва чиқиндиларни камайтириш бўйича кенг кўламли дастурларни амалга оширмоқда.

Афсуски, бу муаммоларнинг салбий таъсири Ўзбекистонда ҳам сезила бошлади. Айниқса, ҳавонинг ифлосланиши аҳоли саломатлиги учун жиддий хавф туғдирмоқда. Чунки инсон ҳаёти ва фаолиятининг асосий шарти — соғлом муҳит ва тоза ҳаво. Соғлом авлод, барқарор иқтисодиёт ва фаровон жамиятнинг пойдевори ҳам ана шу тоза ҳаво, соф табиатда мукжасам.

Юртимизда 2025 йилнинг Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили деб эълон қилиниши бежиз эмас. Бу йилги дастурлар орқали шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлмоқда, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида миллионлаб дарахт кўчати экилиб, ҳаво тозалитини таъминлаш учун замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Йирик корхона ва заводлар чиқиндилари, қурилиш ишлари ва ҳаво ифлосланишининг бошқа асосий манбаларига нисбатан қатъий талаблар жорий қилинляпти.

Мамлакатнинг барқарор иқтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши ва инсон капиталининг ўсиши инсон ҳуқуқларининг ишончили ва самарали ҳимоя қилиниши билан chambарчас bogliq. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари бузилган тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқиш, қонун ҳужжатлари ва амалиётни такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлигини оширишда Омбудсман институти мустаҳкам ўринга эга.

Мурожаатлар сони ортиб бораётгани бунга яққол мисолдир. 2024 йилда Омбудсманга 23 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг таҳлили ва жойларда ўтказилган ўрганишлар асосида давлат органлари ва судларга тақдимнома, хулоса ва

“Аёлга давлат томонидан маънавий, руҳий ва моддий ёрдам кўрсатилади, касбга ўқитилади, ишга жойлашувига кўмаклашилади. Агар уй-жой олиш истаги бўлса, субсидия ажратилиши ҳам мумкин. Бу — аёлни қурбон сифатида эмас, эркин ва мустақил шахс сифатида қўллаб-қувватлашнинг амалий кўринишидир.

даъво аризалари киритилди. Энг муҳими, уларнинг аксариини ижобий ечим топди.

Шунингдек, қийноқларнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифлари йил сайин кўпаймоқда. 2022 йилда 381 та, 2023 йилда 603 та, 2024 йилда эса 902 та ташриф амалга оширилди. Бу эса назоратнинг кучайгани, тизимнинг очиклиги ва ҳисобдорликка эҳтиёжи ошиб бораётганини англатади. Мониторингларда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этиб, жараённинг шаффофлигини таъминламоқда.

Президентимиз қарори асосида ёпиқ муассасаларга мониторинг ташрифлари яқинда жамоатчилик берган тавсиялар асосида 2024 йилда 23-маҳкумлар учун ихтисослаштирилган шифхона негизига 50 ўринли аёллар бўлинмаси очилди. Қорақалпоғистондаги эскирган наркологиya диспансери қулай бинога кўчирилди, Элликкалдадаги руҳий-асаб касалликлари диспансери таъмирланиб, психотерапия хонаси ташкил этилди. Бир қатор вилоятлардаги вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари таъмирланиб, узоқ муддатли учрашув хоналари қурилди. Натижада маҳкум ва маҳбуслар учун инсонпарвар шароитлар яратилди.

Шунингдек, 2025 йилда киритилган тақдимномалар асосида Бухородаги “Мурувват” уйини таъмирлаш учун 176 миллион сўм, Республика руҳий касалликлар шифхонаси таъмири учун эса 1,67 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Хўжайили ва бошқа туманлардаги ҳушёрхоналар таъмирланди, маҳкумларнинг меҳнат қилиш ва яшаш шароити яхшиланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мониторинглардан сўнг аниқланган камчиликлар юзасидан 2024 йилда 56 ходимга иттизомий чора қўлланди, айримлар жаримага тортилди ёки ишдан бўшатилади. Бу эса назорат ва жавобгарлиқнинг амалда ишлаётганидан далолат беради.

Умуман олганда, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасалардаги шароитларни ҳозирги ва 5 йил аввалги ҳолат билан солиштирсак, жуда катта ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Бу натижалар замирида юртимизда юритилаётган “инсон қадри учун” сиёсати турибди. Чунки инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш давлат ва жамиятнинг энг олий мақсадиридир.

Мамлакатимизда маҳкум ва маҳбуслар ҳуқуқларини халқаро стандартларга мос ҳолда таъминлаш борасида қатор қонунчилик ислохотлари амалга оширилди. 2019 йилдан бошлаб БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси асосида



қабул қилинган “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари” миллий қонунчилигимизга имплементация этилди. Унга кўра, маҳкумларга психологик ёрдам олиш ҳуқуқи берилди, огир касалликка чалинганлар учун қўшимча телефон сўзлашуви ва ақинлари билан учрашиш имконияти яратилди. Шунингдек, руҳий ҳолати бузилган вақтда содир этилган тартиббузарлик учун интнзомий жазо чоралари қўлланиши бекор қилинди.

“2019 йилдан маҳкумларнинг иш ҳақидан иқтимоий сугурта ажратилмаслиги белгиланиб, уларнинг пенсия таъминоти қарантилланди. Ёпиқ колонияларда телефон сўзлашуви ва учрашувлар сони икки баробар кўпайтирилди. 2023 йилда эса Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, маҳкумларнинг иш стажини меҳнат стажига қўшилиши белгиланди, уларга сурдогаржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. I ва II гуруҳ ногиронлигига бўлган шахслар учун яшаш майдони кенгайтирилди ва турли воситалар билан жиҳозлаш мажбурияти белгиланди.

Бундан ташқари, маҳкумларни жинси, ёши, соғлиги, меҳнат қобилияти ва ихтисослигига қараб ишга жойлаштириш тартиби жорий этилгани мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон иқтимоий давлат сифатида ўз фуқароларига муносиб турмуш шароитини яратиш баробарида фаластинлик меҳмонларга ҳам янги ҳаёт бошлаши учун зарур имкониятларни бермоқда. Президентимиз фармони асосида улар уй-жой, иқтимоий нафақа, таълим ва тиббий хизмат билан таъминланмоқда. Кекса ёшдаги

фуқароларга нафақа тайинланади, меҳнатга лаёқатлилари эса касб-ҳунарга ўқитилади, тадбиркорлик дастурларига жалб этилади. Оғир касалликка чалинган меҳмонларга ногиронлиқни дарҳол белгилаш механизми жорий этилиши эса уларнинг бир кун ҳам иқтимоий ҳимоядан маҳрум қолмаслиги учун муҳим қадам бўлди. Бу чора-тадбирлар улар учун нафақат бошлана, балки тинч ва хавфсиз янги ҳаёт бошлаш имкониятини ҳам яратди.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги қатъий қадамлари халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда. 2024 йилда юртимизга ташриф буюрган БМТ Бош қотиби Антонио Гутерриш ҳам давлатимиз ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида содiқдамлик билан илгарилаяётганини алоҳида таъкидлаган эди.

Шунингдек, жорий йилда халқаро анжуманларга ташриф буюрган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам юртимиздаги ислохотларни юқори баҳоладди. Австралия, Озарбайжон, Венгрия, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон, Марокаш, Мўғулистон, Норвегия, Покистон, Россия, Сербия, Таиланд, Туркия, Тожикистон каби давлатлар омбудсманлари, шунингдек, Халқаро омбудсман институти, Европа омбудсман институти ва Осиё омбудсманлар ассоциацияси вакиллари Ўзбекистон халқаро миллий ҳуқуқларига оид 80 дан ортиқ ҳужжатни миллий қонунчилигига имплементация қилганини алоҳида эътироф этди.

Халқаро экспертлар фикрича, Ўзбекистонда сўнгги 6-7 йилда амалга оширилган кенг кўламли иқтимоий-иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим жиҳати инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатлардир. Конституциявий ислохотлардан тортиб, иқтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, қонун устуворлиги ва гендер тенгликка қаратилган чора-тадбирлар халқаро ҳамжамиятда юксак қизиқиш ва қўллаб-қувватлов билан қузатилмоқда.

Умуман олганда, халқаро нуфуз ва юртимиздаги ислохотлар уйғунлиги мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида Ўзбекистон “Инсон қадри учун” тамойилини ҳаётинг энг олий ҳақиқатига айлантирганини кўрсатди. Бу эса янги Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи ва келажақ авлодга қолдирилаётган бебаҳо меросидир.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

ДУО ОЛСАМ, БАХТИЁРМАН

Холиёр АХМЕДОВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали 1-сон жарроҳлик бўлими шифокор-жарроҳи



Меҳнат таъгилида чет элда саёхатда эдим. 23 август кунин кечқурун меҳмонхонага келиб, телеграмми очсам, қариндошлар, касбдошлар, шогирдларим “Мукофот муборак!”, “Орден муборак!” деб табриклабди. Тўғриси, жуда ҳам хурсанд бўлдим. Айниқса, чет элда ватанни, оилангизни соғинган пайтингизда мана шундай хушхабар ешитишнинг гашти бошқача экан. Лекин табриклаганларнинг бирортаси орден номини ёзмабди.

Дил изҳори

Табрикларга ҳам жавоб ёзмадсан, қандай орден билан тақдирланганимга қизикдим. Зудлик билан ўзим кузатиб борадиган yuz.uz сайтига кириб, Президентимиз фармони билан тўлиқ танишдим. II даражали “Саломатлик” ордени билан тақдирланибман. Кўзимдаги қувонч кўз ёшларини артиб, фармоннинг ўзинга тегушли жойини қайта-қайта ўқидим. Танлаган касбимдан, одамларга нафим тегаетганидан, бу борадаги камтарона меҳнатларим эътирофга сазовор бўлганидан қувондим.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, мамлакатимизда аҳолига сифатли, қилинши тиббий ёрдам кўрсатиш, соҳани тубдан ислох қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасига жаҳон стандартлари асосида ёндашилиляпти.

Жиззах вилоятида ҳам бу йўналишда катта ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз. Бир вақтлар фақат пойтахтда амалга оширилган мураккаб жарроҳлик амалиётлари бутун вилоят маркази ва ҳатто айрим туман марказларида ҳам муваффақиятли бажарилаётган. Масалан, Жиззахда буйрак кўчириш каби юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари маҳаллий мутахассислар томонидан бажарила бошланди. Бу эса нафақат беморлар, балки уларнинг ақинлари учун ҳам катта қулайлик яратмоқда.

Шу билан бирга, давлат тиббий сугурта тизимининг жорий этилиши, Туркия модели асосида ташкил этилаётган янгича ёндашувлар аҳолига замонавий, шаффоф ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш қафолати бўлмоқда.

Жорий этилаётган янги тизим бўйича махсус сертификатга эга бўлиб, билим ва қўнимчаларини намоеён этган онлавий шифокорларга 20 миллион, ҳамшираларга 12 миллион сўмгача ойлик олиш имконияти яратилди. Бу тиббиёт ходимлари учун жуда катта имконият.

Ушбу тизим яқиндан бошлаб Ёлалорол туманида ҳам жорий этила бошлади. Агар олдинлари, шифокорларни мажбурулаб чекка қишлоқлардаги онлавий поликлиникаларга ишга юборишган бўлса, эндиликда туман ва вилоят марказларида ишлаётган шифокорлар чекка жойларга бориб ишлашга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳам янги тизимнинг афзалликларидан бири ҳисобланади. Муҳими, тиббиёт тизимидagi ислохотлар халқимиз тақдирда ҳам намоеён бўлаётир. Ҳатто энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам

давлат тиббий сугурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳоли учун бепул амалга оширилмоқда.

Ёки ўзим меҳнат қилаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали мисолида айтадиган бўлсам, шошилинч тиббий ёрдам тизимидagi ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини асраш, унга тез, самарали ва аниқ тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратмоқда.

2022 йили республикаимизда биринчилардан бўлиб, марказимизнинг қабул-диагностика бўлимида “Emergency department” тизими асосида қўшимча “шок” палатаси — “қизил” зона, кузатув палатаси — “сарик” зона ва мутахассислар кўрғити хоналари — “яшил” зоналар ташкил этилди. Бу огир касалларни тўғридан тўғри “қизил” зона — шок палатасига, мутахассислар кўрғитига келганлар “яшил” зонага, шифокорлар кузатувидagi “сарик” зонага йўналтирилади дегани. Утган йили эса энг сўнгги русумдаги камматбаҳо ангиография аппарати ўрнатилди. Ушбу тиббий аппарат юрак коронар қон томири билан боғлиқ муаммоси бор, тез тиббий ёрдамга муҳтож беморларнинг коронар қон томири, уйқу артериялари ва сон артерияларида коронарография текширувларини ўтказиш, тез тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган беморларнинг юрак-қон томири соҳасига юқори технология стент қўйиш амалиётларини ўтказиш имконини беради. Бундай шароит ва имкониятлар сабабли энди беморлар шифо излаб Тошкент, Самарқанд ёки хорижа боришларига ҳожат қолмайди.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимиз шошилинч тиббий ёрдам тизимида 34 турдаги янги диагностика усуллари жорий этилди. Бу, ўз навбатида, мураккаб жарроҳлик амалиётларини маҳаллий даражада амалга ошириш имконини беради. Жорий йилнинг ўтган даврида икки мингта яқин жарроҳлик амалиёти бажарилди, шундан қарибб мингтаси юқори технология жарроҳлик амалиётлари ҳисобланади.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз жадал суръат билан обод бўлиб бораётгани, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида улкан ишлар қилинаётгани қайд этилган. Бу эътироф маҳалла институтининг жамият тараққиётидаги ўрни мустаҳкамланаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, маҳалла нафақат ҳамжиҳатлик ва ўзаро меҳр-оқибат, балки мустақиллик ғоясини ҳаётга татбиқ этадиган таянч маскани ҳамдир.

Маҳалла – Ислохотлар маркази



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси раиси,
сийсий фанлар доктори,
профессор

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, кўп минг йиллик анъаналар ва замонавий қадриятларимизни ўзида мужассам этган маҳалла тизимининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Айниқса, турли муаммо ва масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилаётгани ислохотларнинг халқчиллиги ва натижадорлигини кескин оширмоқда.

Аҳоли ва давлат ўртасидаги муҳим бўғин

Манбаларда маҳалла кўп минг йиллик тарихга эгаллигига оид маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахйининг “Бухоро тарихи” асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари 19 та маҳалла бўлгани қайд этилган. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аббор” асарида эса маҳалла “шаҳар ичидаги шаҳарча”, деб таърифланган.

Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар алмашувига қараб маҳалланинг вазифа ва функциялари ҳам ўзгариб турган. Айниқса, кейинги йилларда маҳалла институти Ўзбекистонда жамиятни бошқаришнинг муҳим бўғини сифатида қайта баҳолашиб, унинг мавқеи мустаҳкамланди, салоҳияти ҳамда ваколатлари сезиларли даражада кенгайди. Маҳалла энди фақат анъанавий ижтимоий тузилма сифатида эмас, балки давлат ва жамият ўртасидаги кўприк, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал қилувчи механизм сифатида ривожланди.

Ўтган қисқа муддатда маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва моддий-техник базаси мустаҳкамланди, “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилди, унинг жамиятдаги иштироки кенгайтирилди.

2023 йил 26 сентябрда Ўзбекистон маҳаллалари тарихида муҳим сана сифатида муҳра-нади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз. Шу кунни Президентимиз раислигида “маҳаллабай” ишлаш тизимини янада кучайтириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Тадбирда “маҳалла бешлиги” тизими самара бераётгани, лекин бу билан тўхтаб қолмаслик, маҳаллани жойлардаги муаммоларни ҳал қиладиган чинакам институтга айлантириш зарурилиги таъкидланди.

Амалдаги “бешлик”ка ижтимоий тизимда муҳим ўрин тутувчи солиқчи ва ижтимоий ходим ҳам қўшилиб, биргаликда

ишлайдиган “маҳалла еттилиги” бўлиши, жумладан, аҳолини ижтимоий дафтарларга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби масалалар маҳалланинг ўзида коллегиял ҳал қилиниши белгиланди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, бутун “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида 66 турдаги ижтимоий ёрдам кўрсатишмоқда ва субсидия ажратилмоқда. Натижада аҳоли муаммо ва эҳтиёжларининг 84 фоизи “маҳалла еттилиги” орқали маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ноёб “рецепт”

2020 йил январда Олий Мажлисга йўлланган Мурожатномада Президентимиз “Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакки”, деган эди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлат раҳбари даражасида аҳолининг камбағал қатлами мавжудлиги очиқ эътироф этилиб, уни камайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, камбағалликни аниқлаш меzonлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш тақлифи билдирилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йил сентябрда бўлиб ўтган 75-сессиясида эса бу долзарб муаммони ҳал этишда Ўзбекистондаги самарали механизмлар ҳақида маълумот берилди.

Қисқаса, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган ва бу бўйича алоҳида дастурлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, ишсизликни камайтириш, замонавий инфратузилма барпо этиш, одамларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, илғор хорижий ёндашувлар асосида энг қуйи бўғин — маҳалла даражасига тушган ҳолда камбағалликни қисқартириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси яратилди. Яқинда иқтисодиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти соҳиб жанаб Абхикжит Банержи “Ўзбекистондаги маҳалла тизими ҳар бир муҳтож оилани камбағалликдан олиб чиқиш бўйича ўзининг ноёб рецептига эга”, деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “рецепт” сўзи бошқа маънолар билан бир қаторда, оғир ноқулай ҳолатлардаги ҳаракатлар учун тайёр йўл-йўриқ, қолип, андаза сифатида ҳам қўлланиши кўрсатиб ўтилган.



Ҳеч қанча вақт ўтмай, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳалла даражасида камбағалликни қисқартириш бўйича бошланган ислохотлар бутун дунёда Ўзбекистон тажрибаси сифатида баҳоланди. Энг муҳими, буни нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Демак, Ўзбекистоннинг бу борадаги амалиёти бошқа давлатлар учун тайёр андазadir.

Шу ўринда айрим факт ва рақамларга ҳам тўхталасак. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллани камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 1,3 миллион оила хатловдан ўтказилиб, “маҳалла еттилиги”нинг қарорига асосан 625 мингтаси реестрга киритилди. 333 минг камбағал оила ва уларнинг 1 миллион 472 минг азоси билан ишлаш бўйича индивидуал режалар ишлаб чиқилди. Бутун уларнинг 295 минг доимий ишга, 198 минг тадбиркорликка жалб этилди, 37 мингга кредит ажратилди, 13 мингга касбга ўқитилди.

Яқинда Самарқанд вилояти Ургут туманида бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган “Ислохотлар штаби” томонидан 30 га яқин янги лойиҳа шакллантирилган, уларни амалга ошириш натижасида 3000 га яқин янги иш ўрни очиш режалаштирилган.

Ургут туманида “Навобод насли парранда” фермер хўжалигининг ўқув-амалиёт филиали ташкил этилиб, унда “Нисбот” МФЙ аҳолиси паррандачиликни ўрганиш баробарида ойлик маош ҳам олмоқда. Уларнинг ҳар бирига парвариш учун 1000 тадан жўжа бериш режалаштирилган. Жўжалар билан таъминлаш ва боқилган товукларни сотиб олишни “Навобод насли парранда” фермер хўжалиги ўз зиммасига олган. Жорий йилнинг 1 ноябрга қадар биргина ушбу маҳаллада яшовчи 50 ғуқараго паррандачилик тажрибасини ўргатиш, бандлигини таъминлаш, умуман олганда, бу тажрибани вилоятда оммалаштириш мақсад қилинган.

Ушбу йўналишдаги муҳим қадамлардан яна бири ёнилғи-энергетика ресурслари нарҳининг бозор таъминлигига ўтиши жараёнида аҳолини қўллаб-қувватлаш масаласидир. “Маҳалла еттилиги”нинг ҳулоаси асосида реестрга киритилмаган, ёрдамга муҳтож кўшимча 193 минг 625 та оила рўйхати шакллантирилди. Шунингдек, энергетика қувватларини метёрдан ортқ истеъмол қилган 423 мингта эҳтиёжманд оилага 8,4 миллиард сўм миқдорда компенсация тўла берилди. Камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида 6380 та маҳалла биноси ҳамда 3214 та камбағал оила хонадонига куёш панеллари ўрнатилиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати яхшиланишига салмоқли ҳисса қўшилди.

Шу билан бирга, “Обод хонадон”, “Обод кўча” лойиҳалари орқали бутун мамлакатимиз бўйлаб аҳоли хонадонлари обод, кўчалари файзли масканларга айлантирилмоқда. Масалан, “Обод кўча” мезони асосида 140 минг 319 та кўча ободонлаштирилди. 96,5 минг километр ариқ ва лоток тозаланди, ички йўллар асфальтланди, ёритқичлар ўрнатиildi.

Қонунга ҳурмат маҳалладан бошланади

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик суҳбатларнинг бирида бундай деган эди: “Мен жамият жиноятчиларсиз равақ топишини орзу қиламан. Ҳеч кимнинг боласи жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳеч қайси ота-она (ҳатто ўғрилар ҳам) фарзанди туғилганда “ўғлим (ёки қизим) ўғри бўлсин, гиёҳванд бўлсин”, деб орзу қилмайди...”

Ёзувчининг мақур фикрларига қўшимча сифатида бутун дунёда жиноятчилар тайёрлайдиган мактаб ҳам, ўрта махсус ва олий таълим муассасаси ҳам йўқлигини, иқтисодий (масалан, ишсизлик), оилавий муҳит, таълим-тарбиядаги ва албатта, маҳалладаги эътиборсизлик сабаб айрим юрдошларимиз биллиб-билмай жиноят кўчасига қириб қолаётганини айтиб ўтмоқчи эдик. Айниқса, интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожланётгани тўғрисида бу хавфлар янада ортиб бормоқда.

Келиб чиқишининг сабаб ва омилларини аниқлаш жиноятчиликнинг илдинга етиши ва самарали ечимлар ишлаб чиқишда муҳим қадамдир. Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиноятчиликни келтириб чиқарадиган сабаб ва омиллар турли йўналишларда таҳлил қилинмоқда.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бутун жиноятчиликнинг асосий, яъни ижтимоий ва иқтисодий сабаблари энг қуйи — маҳалла тизими орқали ўрганилаётгани ва ҳал этилаётгани бошқа мамлакатлар тажрибасида дегарли йўқ.

Зеро, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган дастлабки даврдаёқ, яъни 2016 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Биз “Адолат — қонун устуворлигиде” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун, аввало, маҳалла иқтисодиётларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор”, деган эди.

Шаҳарлашув ва миграция тўғрисида катта шаҳарларда жиноятчиликнинг олдини олиш, вазиятни назорат қилиш жудаям қийин, тўғрироғи, имконсиз. Лекин Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган тизим сабаб катта шаҳарлардаги маҳаллаларни ҳам ишсизлик ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантирса бўларкан. Буни Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги Янги Камолон маҳалласи мисолида кўрдик. Маҳалла 2024 йили “қизил ҳудуд” бўлган. Бутун маҳаллада 4600 дан зиёд киши яшамоқда. Худуд ёшлари 60 дан ортқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида иш билан банд. Бу йил маҳаллада

хунардандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойхона, хусусий тиббиёт пункти очилди.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла инспектори хонасида ситуацион марказ ташкил этилган. Унга кўп қаватли уйларнинг йўлакларидида кузатув камералари ва ички ишлар тизимининг хавфсизлик дастурлари уланган. Натижада маҳалла ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айланди.

Республика миқёсидаги таҳлил жорий йилнинг ўтган даврида 5206 та, яъни 58 фоиз маҳаллада умуман жиноят содир этилмаганини кўрсатмоқда. Шу ўринда табиий савол туғилади: бунга эришиш учун нима қилинди? Шубҳасиз, бунинг замирида “маҳалла еттилиги”нинг заҳматли меҳнати мужассам.

Маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича барча маҳаллада жиноят сабаблари муҳокама қилиниб, “қизил” тоифадаги 827 та, “сарик” тоифадаги 2975 та маҳаллага 8626 та камера, кўп қаватли уйларга 13 минг 299 та домофон ўрнатиildi.

Профилактик ҳисобда турган 461 минг 531 ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “маҳалла еттилиги” аъзолари ва бошқа фаоллар бириктирилди. Муқаддам судланганлардан 4402 нафарининг бандлиги таъминланди, 4763 нафари касбга ўқитилди, 13 минг 55 нафарининг ижтимоий муаммолари ҳал этилди.

Ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган 259 минг 419 шахс ҳамда қриминоген вазияти оғир маҳаллалардаги 33 минг 789 хотин-қизнинг муаммоларига ечим топилди.

Танловимиз ажралиш эмас, аҳиллик

Оилавий ажралишга оддий масала сифатида қараб бўлмайди. Чунки битта оиладаги ажралиш кейинчалик бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ҳам фожиалиси, ажрашган оилада вояга етаётган фарзандлар кўп ҳолда турли психологик, ижтимоий ва ахлоқий муаммоларга дуч келиши мумкин.

Чунки ота-онанинг биридан узоклашиб, оиладаги муносабатлар бузилиши, муҳаббат ва эътибор етишмаслиги фарзанд руҳини ва тарбиясига тузатиб бўлмайдиган даражада катта таъсир кўрсатади. Буни минглаб одамларнинг кейинги тақдири мисолида кўрганмиз, бизамиз.

Бундай оилада улғаяётган болалар руҳий ва эмоционал, ахлоқий ва ҳуқуқ муаммолар, ижтимоий, молиявий ҳамда моддий қийинчиликларга дуч келади. Энг ёмони, уларда ўз келажакига ишонсизлик пайдо бўлади. Шу нуқтага назардан қараганда, маҳалла-лар миқёсида иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, илм-маърифат ва маънавий тарғиботни кучайтириш, профилактик ишлар, жумладан, ёшлар билан алоҳида ишлаш орқали оилавий ажралишларнинг олдини олиш масаласини ҳам миллий ҳаракат даражасигача кўтаришни ният қилганмиз.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида муаммоси бор 732 минг хотин-қиздан 714 минг нафарининг масаласи ҳал этилди. Ажралиш ёқасидаги 70 минг 430 та оила яраштирилди, 249 минг 615 хотин-қизга ёрдам берилди. Натижада 2846 та (32 фоиз) маҳалла оилавий ажралишдан холи ҳудудга айланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бутун интернет ривожланган сари ташқи, жумладан, “оммавий маданият”нинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, минг йиллар давомида шаклланган оилавий қадриятларимизга гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора зиён-заҳмат етказмоқда. Буни биз чуқурроқ таҳлил қилишимиз, оилавий қадриятларимизни асраб-авайлашимиз, керак бўлса, ривожлантириш бўйича миллий контентларимизни кўпайтиришимиз лозим. Чунки бу борадаги таҳлиларимиз, тадқиқотларимиз етарли, фақатгина уларни ёшларга етказишда қийинчиликка дуч келямиз. Шу ишларни бажариш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорликка чақирамиз.

Замонавий ижтимоий бошқарувнинг янги босқичи

Ҳозир маҳалла институти замонавий технологиялар билан бойитилмоқда. Шу мақсадда амалга оширилган энг муҳим лойиҳалардан бири “Рақамли маҳалла” платформасидир.

“Рақамли маҳалла” платформаси орқали 9000 дан ортқ маҳалла, 208 та туман ва шаҳар ҳамда 14 та ҳудуддаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва маҳалладаги долзарб муаммолар кенг қамровда рақамлаштирилди. Платформа 25 йўналиш бўйича 401 та кўрсаткични қамраб олган ҳолда аҳоли даромадини ошириш, ишсизлик, камбағалликдан чиқариш, жиноятчилик, оилавий ажралиш каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган комплекс ёндашуви тақдим этмоқда.

Хусусан, “Омбор дафтари” тизими рақамлаштирилган. У маҳалладаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва тезкор ҳал этиш имконини беради. Шунингдек, аҳоли “еттилик” мобил иловаси ёрдамида тўғридан тўғри мурожаат қилиш, тақлиф ва шикоятларни электрон тарзда юбориш имконига эга бўлди.

Шу билан бирга, миграция муаммоларига эътибор қаратилиб, миграцияга кетган ва қайтганларнинг бандлигини таъминлаш, тил ва касбга ўргатиш учун махсус “Миграция” модули ишга тузилди. Бу механизмлар орқали меҳнат мигрантларининг қайта интеграцияси ва ижтимоий ҳимояси кучайтирилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, маҳалладаги истиқболли лойиҳаларни ривожлантиришда



аҳоли фикрини инобатга олиш учун онлайн овоз бериш тизими йўлга қўйилди. Бу механизм маҳалла аҳолисининг жамият ҳаётида фаол қатнашиши ва қарорларда иштирок этишини таъминлайди.

Садоқат ва виждон уйғунлиги

Маҳалла тизимидаги ишлар бутун Президентимиз, давлатимизнинг халқчил сиёсати, содда қилиб айтганда, гамхўрлиги ҳар бир оила, ҳар бир ғуқараго тўғридан тўғри, бевосита ва манзилли етиб бораётганини кўрсатади. Яъни “маҳалла еттилиги” орқали давлат ўз функцияларини юқоридан энг қуйи бўғингача ўта ноёб ва самарали тарзда бажармоқда. Давлатимиз мана шундай қулай шарт-шароит ва ишлаш механизмини яратиб бераётган бир пайтда биз — маҳалла тузилмаси ходимлари, фаоллардан нима талаб қилинади?

Албатта, биринчи гада, ислохотларга садоқат. Қандайдир ҳисобот, ҳўжақўрсин ёки кимгадир ёқиш учун эмас, балки Президентимиз ишонч билдирган вазифага садоқат билан ёндашиб, ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга баракали ҳисса қўиши.

Иккинчиси, ўз зиммасига юкланган вазифаларни виждонан бажариш, улкан масъулият билан ёндашиш. Чунки ҳар бир ходим, “маҳалла еттилиги” аъзосининг кундулик бажарадиган, бир қарашда оддий туолган юмуши ортида инсон тақдири, муаммолари, ўй-ташвишлари, эртаси турбиди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, маҳалла — жамиятнинг кўзгуси, халққа энг яқин ижтимоий тузилма бўлиб, у нафақат жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, балки ислохотларнинг амалиётдаги асосий таянчига айланмоқда. Бу эса одамлар қалбига шукроналик, турмушдан розилик туйғуларини олиб кириб, келажакка ишончини мустаҳкамламоқда.





Олимжон ЎСАРОВ,
мудофаа вазирининг
ватанпарварлик
тарғиботи, маънавий-
маърифий ишлар ҳамда
ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси

Яқинда Президентимиз тадбиркорларни касб байрами ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги билан қўтлар экан, ҳар бир соҳа, ҳудуд ва маҳалладаги ислохотлар ҳамда ўзгаришларда тадбиркорларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Миллий истиқлол байрами билан тадбиркорлар касб байрамининг уйғун келиши ҳам бежиз эмас. Чунки бутунги тадбиркор янги Ўзбекистон қудрати ва тараққиётининг таянчидир.

Мустақиллик фақат сиёсий эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳеч кимга қарам бўлмаслик. Иқтисодий мустақиллик, аввало, тадбиркорларнинг ташаббуси, меҳнати ва жасорати туфайли юзага чиқади. Шу боис, юртимиздаги ҳар бир ислохотда, ҳар бир ҳудуд ва маҳалладаги янгиланишлар замирида тадбиркор тафаккури ва меҳнати муҳим.

Ҳеч шубҳасиз, тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам иқтисодий пойдевориға айланди. Бутун соҳа вакиллари қишлоқ хўжалигидан тортиб, саноат ва хизмат кўрсатишгача бўлган барча жабҳада янги иш ўринларини очмоқда, миллий маҳсулотларини ҳимоя қўшилган қийматни оширмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир маҳалладаги ўзгаришлар — обод манзаралар, янги инфратузилмалар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим ва маданий марказлар барпо этилишида тадбиркорларнинг фидокорона меҳнати намоён бўлмоқда.

Қурилиш Кўчалар юртимиз мустақиллигини ҳимоя қилиб, тинч ва осуда ҳаётимизни таъминласа, тадбиркорлар бунёдкорлик фаолияти орқали мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлайди. Шу маънода, тадбиркорларни янги Ўзбекистоннинг иқтисодий посбонлари деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Ватан ҳимояси фақат ҳарбий хизматчи зиммасидаги бурч эмас. Мустақил давлатнинг барқарор тараққиёти, хавфсизлиги ва порлоқ келажаги тадбиркорнинг меҳнати, ташаббуси ва жасорати билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки тадбиркор ишлаб чиқаради — юрт иқтисодиёти тўйинади, тадбиркор иш ўринлари очади — минглаб оилаларнинг



Ватан ҳимоячиси деганда, одатда, кўз олдимизга ҳарбий либос кийган, қўлида қурол билан юрт тинчлигини қўриқлаётган жасур йигитлар келади. Аммо Ватан ҳимояси бу билан чекланиб қолмайди. Аслида, юрагида халқ ва юртга чексиз меҳр туйғуси бор, зарурат туғилса, жонини фидо қиладиган, бутун умрини мамлакат равнақи ва тараққиётига бағишлайдиган ҳар бир инсон Ватан посбонидир. Шу маънода, тадбиркорларни ҳам юрт ҳимоячилари сафида бемалол тилга олиш мумкин.

ризки бутун бўлади, тадбиркор озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди — халқ хотиржам яшайди.

Иқтисодий қудрат — ҳарбий қудратнинг таянчи. Ишлаб чиқариш кўпайса, иқтисодиёт юксалса, армиянинг таъминоти бутун, қуроли кучли бўлади. Демак, тадбиркорнинг ҳар бир ташаббуси нафақат бозор, балки мамлакат мудофаа салоҳияти учун ҳам хизмат қилади. Зеро, тадбиркорлик ва миллий мудофаа бир-бирдан айрилмас тушунчалардир.

Тарих ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Соҳибқирон Амир Темури айтганидек, “Қўшини қудратли давлат — бой бўлур, бой давлатнинг қўшини қудратли бўлур”. Бу сўзлар орадан неча асрлар ўтса-да, ўз қийматини йўқотгани йўқ. Чунки иқтисодий қудратсиз ҳарбий қудрат бўлмайди, ҳарбий қудратсиз эса мустақил давлат узоқ яшай олмайди.

Тарих ва тақриба бир ҳақиқатни қайта-қайта исботлаб келмоқда: ҳар қандай давлатнинг ҳарбий қудрати иқтисодий пойдевориға таянади. Корхоналар кўпаяди — иқтисодиёт юксалади, саноат ривожланади — армия қудрат топади, қишлоқ хўжалиги барқарор бўлади — юртнинг хавфсизлиги мустаҳкамланади. Миллий иқтисодиёт нафақат халқ фаровонлиги, балки миллий хавфсизликнинг ҳам энг ишончли кафолатидир.



Ҳар бир тадбиркорнинг ташаббуси — янги ишлаб чиқариш, янги технология, янги маҳсулот — бу фақат иқтисодий натижа эмас. Бу — юрт мудофаа салоҳиятини кучайтирадиган қўшимча қудрат. Чунки маҳаллий ишлаб чиқарилган ҳар бир техника, қурилиш материалли ёки озиқ-овқат маҳсулотининг бир қисми табиий равишда армияга эҳтиёжларига ҳам хизмат қилади. Шунинг учун тадбиркор қўлидаги ҳар бир стартер, ғош, сармоянинг ҳар бир сўми мудофаа деворига қўйилган мустаҳкам бир ғиштдир.

Шу нуктадан назардан қараганда, тадбиркорлик иқтисодий юксалиш воситаси бўлиш билан бирга, миллий хавфсизликка хизмат қилмоқда.

қиладиган ватанпарварлик ҳамдир. Баралла айтишимиз мумкинки, тадбиркорнинг ҳар бир ташаббуси, ишга тиккан сармоясининг ҳар бир сўми — юрт мудофаасига қўшилган ҳисса. Шу маънода, тадбиркорлик — иқтисодий ватанпарварликнинг энг олий ифодаси!

Президентимизнинг 2021 йилдан буён ҳар йили 20 август кунини тадбиркорлар билан очиқ мулоқот қилиши анъанага айлангани муҳим аҳамиятга эга. Бу учрашувларда тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалалар атрофида муҳокама этилади, ишбилармонларнинг фикр ва таклифлари асосида муҳим қарорлар қабул қилинади. Шу кунга қадар очиқ мулоқотларда билдирилган минглаб таклиф ва ташаббуслар қонун ҳамда қарорларда ўз ифодасини топгани бунинг яққол далилидир.

Анъанага мувофиқ, жорий йил 20 август кунини давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди ва бир гуруҳ фидойи ишбилармонларга давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Қўйилганидек, мазкур мулоқотда ҳам Президентимиз тадбиркорлар ва иқтисодий соҳа вакиллари билан келиб тушган мурожаатларни чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган, уларнинг фаолиятига янада кенг имконият ва қўлайликлар яратишга қаратилган қатор янги ечимларни илгари сурди.

Бугун юртимиз мудофаа тизимида хусусий сектор иштироки кун сайин кенгаймоқда. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари армияга сифатли ва сермахсул озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Мудофаа саноатида фаолият юритаётган хусусий корхоналар армияни замонавий жиҳозлар, техника эҳтиёж қисмлари ва махсус кийим-кечак билан таъминлаётти. Ахборот технологиялари соҳасидаги тадбиркорлар миллий армия учун интеллектуал дастурлар, дронлар ва сунъий интеллект ечимларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, хусусий сектор армиянинг тезкор ҳаракатланиши ва узуқсиз таъминоти учун зарур замонавий инфратузилмаларни барпо этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, тадбиркор фақат иқтисодий ёки инвестор эмас, балки юрт равнақининг пойдевори, миллий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, айни пайтда Ватан ҳимоячиси ҳамдир.

Кимки янги-янги корхоналар очса, одамлар учун иш ўрни ва даромад манбаи яратса, ички бозорини миллий маҳсулотлар билан тўлдирса, дунё бозорига экспорт қилиб, валюта тушуми ошишига ҳисса қўйса, солиқ тўлаб давлат казнасини тўлдирса, ҳақиқий ватанпарвар бўлади.

Охириги йиллардаги салмоқли ютуқлар — юртимизда завод ва фабрикалар ишга туширилиши, “Made in Uzbekistan” ерлиги остида дунё бозорларига чиқишимиз, миллий экспорт ҳажми ошиб бориши — буларнинг барчаси тадбиркорлик руҳи кучайганидан далолат. Президентимиз бежиз таъкидламади: “Биз катта марраларга фақат тадбиркорлик руҳи билан етишимиз мумкин”.

Шу боис, тадбиркорлик — оддий иқтисодий жараён эмас, балки миллий тараққиётнинг гавийи асосига айланмоқда. Бу бизга Президентимиз илгари сурган улуг ҳақиқатни эслатади: “Янги Ўзбекистон — кучли иқтисодиёт ва кучли маънавият уйғунлигидир!”

Чунки бугун дунё ҳам иқтисодий, ҳам геосиёсий рақобат майдони. Бу майдонда галаба қозониш учун эса янги замон қаҳрамонлари керак. Ва бу қаҳрамонлар — тадбиркорлар! Улар қурган заводлар, амалга ошираётган улутвор лойиҳалар, қишлоқ ва шаҳарларда яратилган юз минглаб иш ўринлари халқимиз фаровонлиги ошишига, мамлакатимиз нуфузи юксалишига хизмат қилмоқда.

Уларнинг ҳар бир ютуғи — халқимизнинг ғалабаси.

Уларнинг ҳар бир ташаббуси — юртимиз тараққиёти йўлидаги янги қадам. Шу боис, баралла айта оламиз: тадбиркорлик — бу иқтисодий ватанпарварлик!

Тадбиркорлик — бу юртга содиқлик ва миллатга хизмат қилишнинг энг олий ифодаси!

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИДА НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



Камолiddин ЭШОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон нодавлат
нотижорат ташкилотлари
миллий ассоциацияси
кенгаши раиси

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда давлат грантлари, ижтимоий буюртма ва субсидияларни тақсимлашнинг шаффоф тизimini яратиш, ННТларни қўллаб-қувватлашнинг демократик механизмларини янада ривожлантириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур ислохотларнинг мантийкий давоми сифатида шу йил 21 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада эркин ва самарали йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари билан очиқ мулоқотини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунга биноан 10 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатиға тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Улар орасида, айниқса, ННТлар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайдиган, фаолиятиға енгиллик яратадиган, давлат органлари масъулиятини оширадиган, шу билан бирга, жамоатчилик назорати таъсирчанлигини кучайтирадиган нормалар алоҳида аҳамиятлidir.

Фуқаролик жамияти — халқнинг эрки, фаоллиги ва ташаббуси асосида ривожланадиган тизим. Янги қонун Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ННТларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Давлат органлари аралашувиға чек қўйилди

ННТлар мустақил ва эркин ташкилот сифатида ўз ташаббусларини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши зарур. Лекин амалиётда давлат органлари ва айрим мансабдор шахслар томонидан асоссиз аралашув ҳолатлари кузатилган. Шундан келиб чиқиб, янги қонунға аралашувларға нисбатан аниқ чекловлар киритилди.

Энди давлат органлари мансабдор шахслари томонидан ННТлар фаолиятиға асоссиз аралашуш қонун билан тақиқланади. Агар бундай ҳолат аниқланса, жавобгарларға базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 бараваридан 10 бараваригача жарима қўланади. Агар бу ҳол яна такрорланса, жарима 15 бараваригача оширилади.

Бу норма ННТлар мустақиллигини кафолатлайди, мансабдор шахсларнинг босим ўтказиш ҳолатларини кескин камайтиради ва эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос яратеди.

Ижтимоий шериклик: шаффоф ва ишончли ҳамкорлик

Энг катта янгиланлардан бири — “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунға ҳам муҳим ўзгаришлар киритилди. Энди Олий Мажлис ҳузурида Фуқаролик жамияти



Ўзбекистонда демократик ислохотлар изчил давом этмоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар бажарилди. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) фаолияти учун қўлай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борисида улкан қадамлар ташланди.

Маҳаллий кенгашлар ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари эса жойларда ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун зарур маблағ ҳажмини аниқлашга доир таклифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни парламент комиссиясига тақдим этиб боради. Шунингдек, жойларда давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмалари доирасидаги фаолият самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш борисида парламент комиссиясига қўмаклашади.

Шу билан бирга, давлат органлари бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан фуқаролик жамияти институтларига йирик ижтимоий буюртмалар бериши амалиёти йўлга қўйилди. Унга кўра, ташаббусли лойиҳалар тўғридан тўғри шартнома асосида БХМнинг 1000 бараваригача, яъни 412 миллион сўмгача молиялаштирилиши мумкин. Бу эса ННТлар учун ўз ғоя ва ташаббусларини амалга оширишда катта молиявий имконият яратеди.

Энг муҳими, давлат органлари ижтимоий шериклик соҳасида ННТлар билан ҳар йили камида бир марта очиқ мулоқот ўтказиш шарт қилиб белгиланди. Бу норма давлат ва жамият ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлайди, ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни амалга оширишда янги босқични бошлаб беради.



Энди нодавлат ташкилотларнинг рўйхатдан ўтмай фаолият юритиши учун белгиланган жазо миқдори сезиларли даражада камайтирилди. Илгари БХМнинг 30 бараваригача тенг бўлган жарима 25 бараваригача туширилди. Шунингдек, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби янада соддалаштирилди.

Ҳозир юртимизда 10 мингга яқин ННТ бўлса, бу норма ҳаётга татбиқ этилиши билан улар сони янада ортади, ташаббускор фуқаролар сафи кенгайди. Бу жамиятда фаол фуқаролик позициясини кучайтиради ва турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишга янги имкониятлар эшигини очади.

Ташқи манбалардан маблағ олишда очиқлик ва ишончли муҳит яратилди

Халқаро грантлар ва хайрия маблағлари ННТлар учун катта имкониятлар эшигини очади. Илгари бу жараёнда ортинча бюрократия ва узоқ муддат талаб этилар эди. Янги қонун эса ана шу тўсиқларни бартараф этиб, жараёни соддалаштирди ва энг асосийси, очиқлик ҳамда шаффофлиқни таъминлади.

Энди маблағ олиш учун мурожаат мuddа-ти қисқартирилди. Ҳисобот тизими эса аниқ ва қўлай тартибга солинди. Бу эса маблағни

самарали ва ошкора йўналтиришга замин яратиб, фуқаролар ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлиқни кучайтиради. Энг муҳими, янги тартиб ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаб, ННТлар фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини янада оширмоқда.

Хайрия ва ҳомийлик — аниқ қондалар, ошкора механизм

Хайрия ишлари жамиятда ҳамжиҳатлик ва меҳр-шафқат маданиятини шакллантирувчи воситадир. Сўнгги йилларда мазкур соҳани ислоҳ қилишга ҳам катта эътибор қаратилляпти. Ҳомийлик, меценатлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида уруғ берилмоқда. Саховатпеша халқимиз кўмағида жуذا қўллаб инсонға ёрдам қўли узатилляпти. Аммо айрим кимсаларнинг буни суиистеъмол қилиши, яъни маблағларни асоссиз йўналтириши, қонунға зид мақсадларда фойдаланиши ҳам кузатилмоқда. Ана шундай ҳолатларға чек қўйиш мақсадида соҳаға янги нормалар жорий этилди.

Қонун билан хайрия маблағларини йиғиш ва хайрия қутиси ўрнатиш бўйича аниқ қондалар белгиланди. Хайрия маблағларидан қонунға зид мақсадларда фойдаланганлик учун жарима жорий этилди. Энг асосийси, ижтимоий ҳимояға муҳтож шахсларға берилган хайрия маблағи солиқдан озод этилгани адолатли бўлди.

Фуқаролик жамияти — халқнинг эрки, фаоллиги ва ташаббуси асосида ривожланадиган тизим. Янги қонун Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ННТларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, ушбу қонун аҳолининг “биз ҳам жараёнларнинг фаол иштирокчисимиз” деган ишончини мустаҳкамлайди, жамиятимизда очиқлик, ҳамкорлик ва адолат муҳитини янада тараққий эттиради.



Мирзаюсуп РУСТАМБОВЕВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети бошлиғи,
юридик фанлар доктори,
профессор

Истиқлол йилларида мамлакатимиздаги қайси соҳада юқори натижаларга эришилган бўлса, албатта, унинг замирида таълим-тарбия ҳамда илм-фанга асосланган омиллар устувор экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бойси, давлатимиз раҳбари доим таъкидлаганидек, “Бирорта ҳудудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириб бўлмайди”.

Сўнгги йилларда таълим ва илм-фан соҳасидаги ислохотлар ижобий маънода туб ўзгаришларга юз тутиб, илгари кузатилмаган, мисли кўрилмаган натижаларга эришилмоқда. Таълимнинг узлуксиз занжирни тобора мустаҳкамлашиб, доимий эътибор натижасида ривожланиб, сайқалланиб бормоқда. Натижада халқро миқёсдаги энг юқори марраларни эгаллашга ўрганиб қолдик. Президентимиз таъбири билан айтганда, таълим тизими ҳамда илмий-маданӣ муассасалар Учинчи Ренессансинг тўрт узвий ҳалқаси ҳисобланса, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иқтисодӣ зиялиларимиз глобаллашув даврида мамлакатимиз рақобатбардошлигини таъминлашнинг тўрт таянч устунидир.

Ўзлуксиз таълим дебочаси

Боғча ёшида олган таълим-тарбияси болаларнинг келгусидаги билим ва салоҳияти, касб танлаши ҳамда муваффақиятли фаолиятида, интеллекти ва компетенциявий ҳусусиятларида долзарб аҳамият касб этади. Ўзлуксиз таълим-тарбия тизимида ушбу масала ҳар томонлама аҳамиятли бўлиб, аксарият мамлакатлар айнан мазкур жиҳатни тараққиёт ва фаровонлигининг муҳим индикатори сифатида баҳолайди. Хусусан, Буюк Британия, Германия, Япония каби ривожланган давлатларда алоҳида тартибдаги “мактабгача тарбия” ҳамда “мактабгача таълим” моделлари мавжуд. Бунга тизимли ёндашувлар асосида эътибор қаратилади ва махсус мутахассис педагоглар ёрдамида болаларга таълим-тарбия берилади. Муҳим жиҳати, мактабгача таълим мажбурий бўлмасда, хоҳ давлатга тегишли, хоҳ нодавлат боғча бўлсин, уларга навбат доим мавжуд.

Бундан 8-9 йиллар илгари мазкур тизимда муаммолар жуда кўп эди. Бир қарашда уларнинг ечими йўқдек туюларди. Биргина мисол: мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 27 фойзага тушиб қолган, болалар боғчаларида замонавий қўлланмалар деярли йўқ, бинолари таъмиртағлаб ҳолатда эди. Бу эса боғчаларни болаларни жалб этиш ўрнига ундан қайтаришга хизмат қилган.

Оқоридаги муаммоларни теран ҳис этган ҳолда қўрилган тезкор ва амалий чора-тадбирлар туфайли тизимли муаммолар барҳам топди. Болаларни боғчага жойлаштиришдаги бетартиб навбатлар, масалани таниш-билиш орқали, энг учида ҳал қилишга уринишларнинг олди олинди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг дастлабки мақсади айнан шу соҳага бағишланди.

Хусусан, болаларни мактабга тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олиш, 100 фойз тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш стратегик вазифа этиб белгиланди.

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида мактабгача таълимга қамров 77,6 ёшли болалар қамрови 96 фойзга етказилди. Бунга, аввало, жорий йилнинг январь-июнь ойларида 54 та янги боғчада қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 6820 та қўшимча ўрин очиб орқали эришилди.

Мактабгача таълим ташкилотларини қуриш имкони бўлмаган олис ва чекка ҳудудлардаги 60 та маҳаллада 30 та “Ақлвой” автобуси негизда 60 та ўйин майдончаси ташкил этилиб, 142 та мобил гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди. МТЛларда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида 325 та таянч боғча фаолияти йўлга қўйилиб, 325 та электрон доска ва 5100 та планшет билан таъминланди.

Мактаб таълимида янгича ёндашув ва моделлар

“Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурининг устаконасидир. Агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасан, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим”, деган эди улуглардан бири.

Умумий ўрта таълим тизимидаги изчил ислохотлар туфайли ҳақиқий маънода ўқиш учун

том маънода ўқитувчилар миллат тарбиячилари мақомига қайтарилди.

Бугун республикамызда давлатга тегишли 10 минг 163 та, нодавлат 458 та умумтаълим муассасаси фаолият юритмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 219 та “Баркамол авлод” мактаби мунтазам ишлаб турибди.

“Баркамол авлод” мактаблари минглаб ўқувчиларни қизиқишига қўра касб-ҳунарга йўналтириб, ҳаётда тўғри йўл топишига қўмаклашмоқда. Мазкур мактабларда маданият ва санъат, техника, конструкторлик ва моделлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм, экология, ҳунармандчилик ҳамда хорижий тиллар бўйича тўғараклар, тайёрлов курслари фаолият юритиб келмоқда. Аҳамиятлиси, бундай тўғараклар маҳалла ёшларини ҳам фаол қамраб олган ҳолда ўқувчиларнинг мактабдан ташқари вақтида ҳам мунтазам ишлайди.

Мактаб таълими тизимида туб бурилиш ясаган, илгари кузатилмаган энг муҳим тадбирлардан бири Президент, ижод ҳамда ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши бўлди. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида бутун 14 та Президент мактаби, 9 та ижод ҳамда 182 та ихтисослаштирилган мактаб фаолият юритиб келаётир. Фан олимпиадалари ва халқаро танловларда қўлга киритилётган натижаларнинг катта қисми айнан шундай таълим муассасалари ҳиссасига тўғри келаётгани амалга



қулай муҳит яратилди, имкониятлар кенгайди, сифатли таълим олишнинг янги усуллари, платформалари яратилди. Энг муҳими, инсон руҳининг муҳандислари бўлган педагог-ўқитувчиларнинг мақоми янги тахирдади Конституция ва алоҳида қонун билан мустаҳкамланди. Муаллимларга муносабат тубдан ўзгарди,

оширилган ислохотлар нақадар долзарб ва ҳаётӣ эканидан далolat.

Шу бoис, мазкур мактабларга кириш учун ўқувчиларнинг қизиқиши тобора ортиб бoряпти. Буни топиришлaётган аризалар сонидан ҳам билиш мумкин. 2024/2025 ўқув йилида биргина Президент мактабларига қабул қилинган

хужжатлар бўйича битта ўринга ўртача 185 та хужжат тўғри келгани фикримиз тасдиқидир.

Президентимиз тақлифига асосан энди республикамыздаги барча мактабнинг ўқув-услубий фаолияти Президент мактаблари модели асосида йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга, ижод мактабларига таниқли аллома ва давлат арбоблари, ҳадидчилик намояндalари, ёзувчи,



шоир ва адибларимизнинг номи берилгани ҳам ўзинга ҳос рамзий маъно касб этиши барoбаринда ёш авлодни уларнинг бой мероси билан ақидан таништириш имконини беради.

Охириги йилларда мактаб таълимидаги ислохотлар ўқувчиларнинг ҳар томонлама иқтидор ва билиминини намoён этиши учун хизмат қилмоқда. Биргина жорий йилда мактаб битирувчиларининг 11 минг 566 нафарига олтин ва 2475 нафарига қумуш медал топирилгани бунинг яққол исботи.

Олий таълим тизимидаги мисли кўрилмаган ислохотлар

Бу йўналишдаги туб ўзгаришлар, аввало, ёшларнинг олий таълимга қамрови йилдан йилга ўсиб бoраётганида кўринди. 2017 йилда олий таълимга қамров атғи 9 фойзни ташкил этган бўлса, бугун мазкур кўрсаткич 42 фойздан ошди. Олий таълим муассасалари сони 2017 йилда 77 та бўлгани ҳолда бугун уларнинг сони 200 дан зиёд.

Албатта, бунга оsonлиқча эришилгани йўқ. Тизимли ислохотлар, хорижий тажрибани фаол ўрганиш ва халқаро стандартларни жорий этиш, давлатга тегишли ва нодавлат олий таълим муассасаларини кўпайтириш ҳамда талабаларга сифатли таълим олиш имконияти яратиши каби юзлаб ўзгаришларни қайд этиш мумкин. Қўшма таълим дастурлари, академик мобиллик, икки дипломли ўқиш, хорижда амалиёт ўташ каби шаронтлар ҳар доим ҳам қузелтилмаган. Ўқишга кириш йўлидаги барча коррупциявий тўсиқлар тўлақонли бартараф этилиб, адолатли, коррупциядан холи олий таълим тизимида ўтилганини энг катта ўзгариш сифатида қайд этиш зарур.

Маълумотларга кўра, 2025/2026 ўқув йили учун қабул жараёнида 678 абитуриент барча фандан тегишли сертификатга эга бўлгани учун тест синовларисиз талабалар сафига қабул қилинди. Бу ёшларнинг билими ва салоҳияти йилдан йилга ошиб бoраётгани, уларга мунтазам янги имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётганига гувоҳ бўламиз.

Биргина 2024 йилнинг ўзида мазмунан яқин бакалаврият таълим йўналишларининг 40 фойзи мақбуллаштирилди, энг етакчи 300 таликка кирган олийгоҳлар дастурлари асосида 1200 дан ортиқ таълим дастури тақомиллаштирилди. 39 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилди. Нуфузли 500 таликка кирган хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда 15 та қўшма таълим дастури жорий этилди. Профессор-ўқитувчиларнинг 4970 нафари хорижда малака оширган бўлса, чет эллик 2510 профессор-ўқитувчи мамлакатимиздаги ўқув жараёнига жалб этилди.

Муҳим воқеалардан яна бири олий таълим соҳасини рақамлаштириш борасида муҳим натижаларга эришиб келинаётганидир. Биргина HEMIS дастури орқали профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун барча имконият

Ҳарбий таълимдаги ўзгаришлар аҳамияти

Яқин-яқингача ҳарбий таълим муассасалари, уларнинг фаолияти, ўқишга қабул қилиши билан боғлиқ масалалар тўғрисида маълумот олиш бирмунча мушкул эди. Аммо сўнгги йиллардаги очиклик ва шаффофлик сиёсати орқали бу борада аҳоли учун бирдай қўлай имконият яратилиб, муҳим ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Қуроли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳарбий таълим ва ҳарбий илм-фанны ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Натижада бу борада илгари мутлақо кузатилмаган янгиланишлар юз бермоқда.

Жумладан, ҳарбий таълимнинг узлуксиз тизими шаклланиб, Қуроли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар барча тузилмаларининг ўрта, ўрта махсус ва олий ҳарбий таълим берадиган муассасалари фаолияти тубдан тақомиллаштирилди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланиши, сифатли таълим бериши сари салмоқли қадамлар қўйилди.

Сўнгги йиллардаги тизимли ислохотлар натижасида ҳарбий таълим муассасалари илм-фанга доир тадқиқотлар билан шуғулланиши учун кенг имконият яратилди. Қисқа муддатда амалга оширилган ислохотлар натижасида биргина Жамоат хавфсизлиги университетининг илмий салоҳияти қарийб 80 фойзга ташкил этмоқда. Университетда таълим турларининг деярли барчаси жорий қилинган. Хусусан, кечки таълимнинг очилгани, дуал таълим асосида назария ва амалиётнинг узвийлиги таъминлангани, замонавий хатарлар ва таҳдидлардан келиб чиққан ҳолда ўқув режаларига янги фан ҳамда модуллар киритилгани фикримиз тасдиғидир.

Шу билан бирга, яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиғи тизимидagi олий ҳарбий таълим муассасалари асосида Ҳарбий хавфсизлик ва мудоффа университети ташкил этилгани, ҳарбий хавфсизлиги таъминлаш соҳаси учун профессионал кадрлар тайёрлашга доир чора-тадбирлар қўрилиши, хусусан, турдош олий таълим ташкилотларининг 2-курс талабаларни ўқишга жалб этилиши, икки дипломли тизим жорий қилиниши, учувчисиз учадиган аппаратларни ўрганиш йўналишлари очилиши каби қатор янги ўзгаришлар жорий қилинди.

Хулоса

Таълим янгилликлари ва ўзгаришлардан, эришилётган натижалардан аҳолининг барча қатламини хабардор қилиш юзасидан самарали чора-тадбирлар қўриб келинмоқда. Бу, биринчи навбатда, барча ёшлар, ота-оналар учун юксак рағбат намунасиғидир. Зеро, таълимга, илм-фанга киритилган сармоя келгусида улкан ютуқлар ва муваффақиятлар келтириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Тараққиёт нуқтани назаридан яқин тарихимиздаги ҳолат ва бугунги ўзгаришлар қиёсидagi тафовутлар ҳам ислохотларнинг шиддатини, чора-тадбирлар қўланини аналгадди. Ҳақиқат шундаки, бундай ютуқ ва натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Таълим тизимидаги узoқ йиллик тажриба ва таҳлилларимдан келиб чиқиб, бу, аввало, Президентимизнинг таълим ва илм-фан масаласини мамлакатнинг энг устувор ва стратегик сиёсати сифатида белгилab бергани ҳамда шунга доир амалий саъй-ҳаракатлар қилингани ҳосиласа деб биламан.

Шундай экан, биз — олимлар жамяиятнинг энгил қатлами сифатида эришилган ютуқлар ҳар бир соҳадаги тизимли ислохотлар, машаққатли меҳнат самараси эканини юртдошларимизга етказишимиз, бундай амалий натижаларни қадрлаган ҳолда келгуси ишларни халқимиз билан бирга, бамаслаҳат амалга оширишимиз, фаол тарғиботчи бўлмоғимиз зарур.

Демак, вақтида амалга оширилётган бундай ташаббуслар, ўқитувчиларнинг меҳнати зое кетмаппти. Айнан АТ соҳасида таълим олган ёшларимиз шу қисқа даврда мустақил равишда лойиҳалар ютиб, даромадди ижодий ишларга киришди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, ёнинг энг иссиқ қунарлида ўқитувчилар маърифат йўлида фидойилик кўрсатди. Дастур давомида педагог ва профессор-ўқитувчилар учун барча шароитлар яратилди. Улар ёшлар билан бирга турли тадбирларда иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаларини ўртоқлашди. Бу устоз-шогирд ўртасида янгича мулоқот ва самарали ҳамкорлик муҳитини яратётганига амин бўлдик.

“Долзарб 90 кун” фақатгина ёзги таътил лойиҳаси эмас, у ёшларнинг шахсий ва касбий ривож учун муҳим платформага айланиши шубҳасиз. Мамлакат келажакга бўлган бугунги ёшларга қаратилган ҳар бир ташаббус миллий тараққиётимиз учун асосий сармоядир. Мазкур дастур доирасида амалга оширилётган кенг қўламли ишлар ёшларни ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялашга хизмат қилади.

Долзарб 90 кун

Саноқли кунлардан кейин ёшлар жонажон ўқув масканларига қайтади. Улар орасида уч ой таътилда бўш вақтини самарали ўтказган ёш ҳунармандлар, рассомлар, АТ мутахассислари ўзлари танлаган йўналиш бўйича таълим олишга чуқур киришади. Илгари таълим соҳасида фақат иккита йўл бўларди — бола энг яхши таълим даргоҳларида ўқиши ёки ота-онаси танлаб берган даромадли бирор касбнинг бошини тутиш масаласи.

Очиғи, кўп ёшлар ўзи қизиқмаган ёки истамаган соҳаларда ўқиби, шй тополмай бошқа ишнинг бошини тутиб кетган ҳолатлар ҳам кузатилган.



Гулноза ЖЎРАЕВА,
филология фанлари доктори,
профессор

йўналтирилди. Шу қисқа даврда мактабларда 1 миллионга яқин, мактабгача таълим ташкилотларида 1,5 миллионга яқин янги ўринлар яратилди. Мактабгача таълим билан қамров уч баробар оширилиб, айни пайтда 78 фойзга етди. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда ёш авлодининг сифатли таълим олиши учун яратилган улкан имкониятдир.

Мамлакатимизда ёш авлодининг замонавий ахборот технологияларидан қандай

Ёшлар келажакига сармоя

фойдаланишига алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Ўширишга не ҳолат, ҳозир ёшлар кунига ўртача 8 соатгача вақтни телефон ва ижтимоий тармоқларда ўтказмоқда. Шу вақт давомида қанча китоб ўқиш ёки бирор ҳунарманди, устага шогирд тушиб, олдиндан ўз келажакга учун сармоя тўплаш ҳам мумкин. Афсуски, аксарият ёшлар интернетдан фойдаланиш маданиятига эга эмас. Улар кўраётган ахборотлар ва видеоларлар бирор касб-ҳунар эгаллаш нари турсин, соғлом фикр юритишга ҳам тўсқинлик қилмоқда. Бу борада мактаб директорлари ва ўқитувчиларга ёрдам бериш мақсадида таълимда “Долзарб 90 кун” лойиҳаси ишлаб чикилди. Ёзги таътилининг энг яхши ташаббуси сифатида бошланган лойиҳа шунчаки вақт ўтказиш учун эмас, балки ёшларнинг олдида аниқ мақсадлар қўйиб интилиши ва уни амалга ошириш учун яратилган имкониятдир. Юртимиз бўйлаб энг яхши мутахассислар, билимли ўқитувчилар, ҳунармандлар ва ижодкорлар ёшларнинг янги билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун мустақил равишда узуксиз машғулотлар олиб боришди.

Президентимизнинг “Битта китоб ўқийдиган бола, ўнга телевизор кўрадиган бола ни эргаштиради” деган фикрлари шу лойиҳа туфайли яна бир бор ўз тасдиғини топди. Чунки бугун барча соҳаларда замонавий, илгор технологиялардан хабардор, хорижий

тилларни биладиган мутахассисларга талаб юқори. Дунёнинг нуфузли университетларида тахсил олаётган ёшларимиз халқаро майдонда муносиб рақобат қила оладиган кадр сифатида камол топиши учун таълим соҳасидаги бундай лойиҳаларнинг аҳамияти бекиёс.

“Долзарб 90 кун” доирасида маданий-адабий кечалар, илмий-амалий семинарлар,

ижтимоий лойиҳалар ва ёшлар учун маънавий тадбирлар ташкил этиляпти. Масалан, “Карьера кунӣ”, “Ёзги касблар” каби лойиҳалар орқали ёшлар турли ҳудудларнинг тарихий ва маданий мероси билан танишмоқда. Янги касб ва соҳалар ҳақида тўғридан тўғри маълумот олиш имконига эга бўлди. Шунингдек, китобхонлик, шеърят ва маърифат кечаларини ташкил этди. Театр труппалари,



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





2025 йил 28 август, 177-сон

www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Инсон қадри учун



ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ҚИЛИНГАН МЕҲНАТНИ ҚАДРЛАГАНЛАР КАМ БЎЛМАЙДИ



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик

Бу фармон давлатнинг ўз фидойи сиймоларига юксак эҳтироми, уларнинг бебаҳо мероси олдидagi чуқур таъминининг амалдаги ифодаси. Аслида, миллатнинг буюклиги унинг нафақат бугунги ютуқлари, балки ўз ўтмишига, тарихини яратган шахсларга муносабати билан ҳам ўлланади. Фармон шу жиҳатдан ҳам янги Ўзбекистоннинг ўз маънавий пойдеворини нечоғлиқ мустаҳкам қураётганини яққол намоён этади.

Бунинг замирида халқимизга хос азалий қадрият — ўтганларни хотишлаш, эзгу амалларини қадрлаш тамойили акс этган. Зеро, ўз тарихи, маданияти ва илм-фани ривожига ҳисса қўшган буюк зотларни унутган миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Бу юртда қилинган ҳар бир эзгу иш, ҳар бир ижод намунаси, ҳар бир илмий қўшиқчи ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслигининг яна бир ёрқин исботи ҳам айнан шундир. Ота-боболаримиз, маърифатпарвар аждодларимиз азалдан ана шундай олижаноб тамойиллар асосида яшаб, ижод қилиб келган.

Мазкур фармон, шунингдек, авлодлар ўртасидаги узвийлик ришталарини, маънавий ворисийликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бебаҳо қадамдир. У ўтмиш ва бугун ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтайди. Бугунги ёш авлод ушбу рўйхатдаги номларни ўқир экан, ўзлари турган замин қанча-қанча фидокор инсонларнинг меҳнати ва ижоди билан гуллаб-яшнаганини яна бир бор чуқуրроқ ҳис этади. Бу эса уларнинг қалбида миллий гурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдириб, ўзларига ҳам шундай буюк аждодларга муносиб бўлиш масъулиятини юклайди.

Шу ўринда баъзиларнинг “Дунёдан ўтиб кетган инсонларга бу муқофотнинг энди нима зарурати бор?” деганини ҳам эшитамиз, кўра-миз. Лекин бу уйлаб кўрайлик, биз уларни чиндан ҳам “вафот этди”, дейишга ҳақлимизми? Ахир улар жисман орамизда бўлмаса-да, бой илмий ва ижодий мероси билан халқимиз қалбида, миллатимиз тафаккурида мангу барҳаёт эмас-ку! Номин тиллардан, ижоди диллардан тушмай келаётганининг ўзи уларнинг тириклигидан далолат бермайдими? Уларнинг мероси китобларда қолган шунчаки матнлар, музейлардаги ашёлар ёки архивлардаги ҳужжатлар эмас, балки бугунимизга сингиб кетган, онгимиз ва шууримизни шакллантирган тирик воқелиқдир.

Инсонпарвар мамлакатда яшаш бахтининг қиёси йўқ бўлса керак, назаримда. Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида Президентимиз имзолаган “Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларни муқофотлаш тўғрисида”ги фармонини ўқиб туриб, қалбим чексиз ҳаяжон ва ифтихорга тўлди. Ушбу тарихий ҳужжат мамлакатимиз маънавий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди, десак асло муволаға эмас. Бу шунчаки бир гуруҳ фидойиларни эътироф этишигина эмас, балки инсон қадрини улуғлаш, ўтганлар хотирасини эъзозлаш ва уларнинг ибратли ишларини абадийлаштириш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатларнинг улуғвор намунасикидир.

Улар худди узоқ юлдузлар кабирди: сўнган бўлса-да, нури бизга асрлар оша етиб келаве-ради ва йўлимизни ёритиб туради.

Мана, бир эсланг: Тўра Сулаймоннинг самимиятга йўғрилган шеърлари асосида яратилган дилтортар қўшиқларни эшитганимизда руҳимиз қанчалар ором топади. Маъмуржон Тўхтасинов томонидан Бобур мирзо газалига басталанган “Яхшилик”ни тинглаганимизда мижжамизга ёш қалқийди. Тўйи-ҳашамларимизда Мухриддин Холиқовнинг “Йиғлама қиз” қўшиғи янграганда бир зумга маҳзун ҳаёлларга чўймайдиган инсон топилмаса керак. Охунжон Мадалиевнинг юракни эркаловчи куй-қўшиқлари-чи? Улар

гапни, оддий инсон туйғуларини содда ва самимий ифодалай олди. Унинг учун Ватан — энг табаррук жой, муҳаббат эса энг пок туйғу эди. Рауф Парфи эса бутунлай бошқа олам. У “шоирлар шоири” сифатида мураккаб, фалсафий ва исёнкор руҳдаги шеърлари билан тафаккуримизни чарчлади. Унинг ижоди руҳиятининг тубсиз уммонига шўнғиш, эрк ва озодлик ҳақидаги мангу саволларга жавоб излаш демакдир.

Болаларимизнинг сеvimли ижодкори Анвар Обиджон-чи? У ўзининг бегубор ҳазили, сўз уйинларига бой шеър ва эртаклари билан неча-неча авлоднинг болалигини беади, дунёқарашини кенгайтирди.



Бу ижодкорларнинг ҳар бири ўз услуби, ўз овози билан адабиётимиз хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшиб кетди. Улар қаторида адиб Вали Ғафуров, адабиётшунос олим ва таржимон Тўхтасин Жалолов каби заҳматкаш ижодкорларнинг ҳам хизмати беқиёс. Улар ўз асарлари, илмий тадқиқотлари ва жаҳон адабиётидан қилган таржималари билан халқимизнинг маънавий оламиини бойитиш, тафаккурини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган.

Ўзбек театр санъатининг устунларидан бири, бетакрор ижодкор Баҳодир Йўлдошев иштирокидаги сахна асарларини қандай чуқур ҳаяжон билан томоша қилганимизни унутиб бўладими?! У нафақат актёр ва режиссёр, балки сахна файласуфи эди. Унинг “Дийдор” театр-студияси том маънода ижодий лабораторияга айланиб, қанчадан-қанча ёш истеъодларга қанот бағишлади. Саҳналаштирилган асарларида жамиятдаги муаммолар дадил қўтариб чиқилар, томошабинни шунчаки кузатувчидан фикрловчи иштирокчига айлантирар эди. Актриса Римма Аҳмедованинг сахнада яратган ўнлаб ёрқин образлари, дубляж санъатидаги маҳорати эса қанчадан-қанча фильмларга жон бағишлагани сир эмас. Санъат арбоби, композитор Анор Назаровнинг мусикаси эса кўп



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Коинот гулгожи инсондир азал*,
Қадри ҳам тождаги гавҳар мисоли.
Бордир руҳимизга сингган бир масал,
Асра, асрамасанг, туттай уволи.
Муҳаббат, оқибат қатта бойлик, дўст,
Қадримиз билайлик, қадрлайлик, дўст!

Қафасда сайрамас булбул дегани,
Ҳеч қачон чополмас тушовланган от.
Биламиз-ку, тили боғлиқ кимсани,
Сўзлашни истайди эркин ва озод.
Сўзламоқ эрки бор, сўйлашайлик, дўст,
Келгин, олам билан бўйлашайлик, дўст!

Уйда тайёрланса тансиқ бир таом,
Қўшнига илинмоқ хўб яхши одат.
Икки дил дўстлиги — Худодан инъом,
Миллатлар дўстлиги — улуг саодат.
Тинч кунлар қадрини билмоқ керак, дўст,
Неъматлар шукрини қилмоқ керак, дўст!

Оламни мукаммал яратган Тангри,
Амалларни тўғри торттай тарози.
Элу юрт қорига ким бўлса қоим,
Халқ ҳам рози бўлғай, Худо ҳам рози.
Билсанг, бу табаррук бир ғоядир, дўст,
Бахту камолингга кифоядир, дўст!

Новда билан ари уясин бузма,
Кўчат эк, гуллаган боғлар яралсин.
Созларни созлагин, торларни узма,
Энг гўзал рубобий куйлар таралсин.
Яхшидан яшнаган боғ қолади, дўст,
Пок бўлсак, бу жаҳон соғ қолади, дўст!

Амир Соҳибқирон Темурбек бобом,
Мангу адолатни айлаган шиор.
Қазрат боболарга муносиб ўғлон,
Адолат йўлини тутгандир такор.
Шиддату шахидга кўз тегмасин, дўст,
Ватаннинг бахтига кўз тегмасин, дўст!

Неки бунёд бўлди, бордир меъмори,
Янги иморатлар бу — янги баёт.
Кўксимда кўнглимнинг шонли изҳори —
Бегимсол шахарлар бўлмоқда бунёд.
Бу янги ҳаётдан ишоратдир, дўст,
Нурли келажақдан башоратдир, дўст

Учинчи Ренессанс — Буюк Уйғониш,
Пойдевори мактаб, маърифат-ирфон.
Ўзбекистон — қадим юртсан, шубҳасиз,
Янги Ўзбекистон — юртсан, навқирон.
Орзу-мақсадларнинг чеки йўқдир, дўст,
Улар соф, шу боис, кўнгил тўқдир, дўст.

Ғайрат МАЖИД

*Абдулла Орипов сатри

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-846.
34930 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳис: Малухат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрхисаб кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:45 Топширилди — 01:05

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05